


# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## «ЁШЛАРНИ ТИНГЛАШ — КЎПРОҚ БИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 27 декабрь куни мамлакат ёшлари билан видеоселектор тарзида бўлиб ўтган учрашувида белгилаб берилган устувор вазифаларга мувофиқ, вилоятдаги шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари томонидан ёшлар билан учрашувлар ўтказишнинг 2020 йил биринчи ярим йиллик режа-графиклари тасдиқланиб, мазкур режага асосан жойларда учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.



Мазкур учрашувлар ҳар икки томон учун ҳам ниҳоятда фойдали бўлаётти, десам, тўғри бўлади. Чунки ёшлар билан мулоқот, уларнинг ўй-фикрлари, муаммолари билан танишиш — ҳар бир раҳбар учун истиқболдаги ишларни

режалаштиришда, давр руҳиники чуқур ҳис қилишда бебаҳо қўлланма. Хўш, ёшлар биздан нималарни сўрайди? Улар нимани истайди? Бир сўз билан айтганда, ёшлар Аллоҳ берган истеъдоди, интилишини тўла

рўёбга чиқаришни, Президентимиз яратиб берган шароитлардан фойдаланишни хоҳлайди. Оқиқ айтиш керакки, баъзида уларга ҳалал бермасликнинг ўзи ҳам ёрдам.

Давоми 2-бетда

### Юзма-юз



**Халқ депутатлари Бўка тумани Кенгашининг сессияси**  
Халқ депутатлари Бўка тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Чуқур таҳлил ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Шу чоққа қадар республика "Халқ банки" бошқаруви раиси ўринбосари бўлиб ишлаб келган Аббосов Низомиддин Равшанович Бўка тумани ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

**Халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгашининг сессияси**  
Халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Шу пайтгача туман ҳокими вазифасида ишлаб келган Абдуллаев Нёмат Озодович ўз вазифасидан озод этилди.

**Халқ депутатлари Янгийўл тумани Кенгашининг сессияси**  
Халқ депутатлари Янгийўл тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Таҳлилий-танқидий руҳда ўтган сессияда ташкилий масала кўрилди. Шу вақтга қадар туман ҳокими бўлиб ишлаб келган Абдуқаҳор Тўхтабоев мазкур лавозимдан озод этилди.

Кишининг бир куни ҳам — киш. Кечагина ёққан қор одамлар қалбидаги кўклам соғинчига, яратиб, яшнатиш ишқига заррача бўлсин пўтур етказо олмади. Билъакс, баҳорга бўлган интиқлик тобора авж олгани рост. Биз яратиб, яшнатиб ўрганган халқимиз-да... Чўп суқса, азим дарахт бўлади-ган тупроғида битмаган кўчатни ўзга юртдан олиб келиб бўлсада, ўстиради. Худди Нодир Йўлчиевдек.

## Нодирбойнинг ниҳоллари ҳам нодир

Улар орқали ҳудудларимизни она табиатнинг "жонли дастхати" билан безаш мумкин. Қандай қилиб дейсизми?

Ҳали ўттизга ҳам борман Нодир Йўлчиев ота касбининг этагини тутди. Нафақат тутди, ота касбининг янги умрини бошлади. У яратаётган кўркамликни кў-

риб, кўз қувнайди, кишининг бахридлини очилади. — Болалигим кўчатлар оралаб ўтган, — дейди Нодир. — Отам ҳар хил мевали кўчатлар савдоси билан шу-

гулланарди. Ҳар доим "Яхшидан боғ қолади", дейди отам. Кейинчалик, улғайиб амин бўлдимки, одам оламини яшнатиш, гуллатиш, гўзаллаштириш учун ярати-

ларкан. Мақсадимиз ҳам шу — юртни обод қилишда. Қолаверса, кўчат етиштирган одамнинг қўли қуруқ қолган эмас...

Давоми 3-бетда

Миллий таълим тизимимизнинг кейинги чорак асрдаги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, кўпжаб ижобий ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз. Айни пайтда, кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим турлари ўртасидаги алоқа ва узвийликнинг таъминланишида жиддий камчиликлар ҳам кузатилдики, бу пировардида, мақсадни белгилашдаги тарқоқлик ва таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлди.

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВИЛОЯТ САЛОҲИЯТИГА МОС ЭМАС.

### НЕГА?

Кадрлар тайёрлаш бўйича давлат сиёсатида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ўзига хослиги, меҳнат бозоридagi талаб ва тақлифнинг чуқур ўрганилмаслиги натижасида кадрларнинг ҳудудлар кесимидаги тақсимотида мувозанатнинг бузилиши кузатилди.

Таълим тизимида кадрлар тақсимотининг тўғри йўлга қўйилмаслиги натижасида айрим ҳудудларда юзага келган кадрлар тақчиллиги масаласи узлуксиз таълим тизимида, хусусан, мактабгача ва халқ таълими тизимида ҳам кузатилди.

Тошкент вилояти Республикасимизнинг иқтисодий

жиҳатдан барқарор ривожланаётган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Ҳудудда йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг мавжудлиги, хусусий секторнинг нисбатан кенг ривожлангани вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Бу яхши, ammo вилоятда ижтимоий соҳалар, хусусан, таълим соҳаси ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятига мувофиқ ҳолда барқарор ривожланаяпти деб айта олмаيمиз. Ҳозирги кунда вилоятда мактабгача ва халқ таълими тизими билан боғлиқ долзарб муаммолар сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- худудда педагог кадрларга бўлган талаб бўйича истиқбол режаларининг мавжуд эмаслиги;
- малакали педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг тўла қондирилмаганлиги;
- худудлар кесимида педагог кадрларга бўлган талабнинг таҳлилий ўрганилмаганлиги;

Давоми 2-бетда

## Тиканли атиргуллар



3

Давоми 3-бетда

### «Ҳақиқат» хиргойиси:

## «Нурафшонга борсам мен агар, «Тўйтепа»ни кўриб қайтаман...!»

Одамларнинг ҳаётдан, турмушдан рози бўлиб яшашлари учун, аслида, кўп нарса керак эмас. Ишдан ҳориб келган пайти фарзандини бағрига босганда чироқ ўчмаса, аёзли кунларда қари отанаси иссиқ уйда ўтирган бўлса, шифокор ё мутасадди қабулига борганда турнақатор навбат кутмаса, дўст-биродарлари билан кўчага чиққанда чангу лой кечиб юрмаса, бўлди. Қолгани — мусулмончилик аста-секин, дегандек...

"Гузар" 2-ўтиш кўчасига қарийб 30 йилдан бери тоза ичимлик суви кирмаган эди. Бу ерда яшовчи 30 чоғли хонадоннинг бор дарди ҳам, турмушининг кемтиги ҳам асли шу эди. Ростда, ҳар куни ичгани ҳам, кир ювгани ҳам, ...тахорат олгани ҳам 50-60 метр наридан йиллар мобайнида сув ташиш ҳам-

манинг ҳам жонига тегади. Бу кўчада яшовчи аҳоли ҳам шундай қилди. 2022 йил дастур асосида сув келишини кутиб ўтирмай, улоқни ўзлари қўлга олишди.

— Ахийри бўлмади, — дейди "Гузар" 2-ўтиш кўчасидаги 5-уйда яшовчи Саъдулла Жумабоев. — 25-30 йилдан бери сув чиқ-

масди. Ҳозир 250 минг сўмдан пул йиғдик шу кўчада яшовчи 30 тача хонадондан. Ҳозир кавлатиб, қувур ўтказдик. "Сувоқова"га раҳмат, елим қувурларни ажратди. Хуршид Орипов, Илҳом Юсупов, Иброҳим Юсупов... ҳаммасига бу маълум.

2

2



## ТЎХТАБ ҚОЛГАНМИ?

Янги йилни кутиб олганимизга яқинда икки ой бўлади. Лекин, Қуйи Чирчиқ туманида вақт гўё тўхтаб қолгандек. Нега дея ажабланишсизми? Сабабини ҳозир тушуниб оласиз.

2

2

# «ЁШЛАРНИ ТИНГЛАШ – КЎПРОҚ БИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ»



«Сен, албатта, Олимпиада чемпиони бўлишинг керак!»

Бу ўринда иккита жиҳат кишини ўйлантиради. Аввало, ер ажратиш тартиб-таомиллари электрон савдо орқали амалга оширилганидан тизим жорий этилгани ҳам анча бўлди. Иккинчидан, биз ҳар бир қадамимизда, учрашувларимизда китобхон ёшларни, китоб тарғиботига камарбаста йиғит-қизларни излаймиз. Бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаш учун ишни нимадан бошлаш ҳақида тушунтириш беришинг ўзи кифоя.

Учрашувларда ёшлар томонидан кўтарилаётган энг оғриқли муаммолардан бири – мактабларда спорт инвентарларининг етишмаслиги, таъмирлаш ва қурилиш ишларининг қўзилиб кетгани билан боғлиқ. Куйи Чирчиқда ҳам мана шундай муаммоли ҳолатлар бўйича 5 та мурожаат бўлди.

Очигини айтганда, бу гапларни ёшлардан эшитиш ниҳоятда оғир, айтиш пайтнинг ўзида жўяли жавоб топиб беролмаслик эса икки ҳисса оғир. Негаки, ёшларга айрим ҳақиқатларни очиб айтишдан истихोла қиламан. Ахир режасиз қурилишлар, инсофсиз қу-

рувчилар ёки туманда раҳбарлар ўзгарганда, шу кўйи чала қолиб кетган иморатлар борлигини инкор этиб бўлмайди.

Албатта, Куйи Чирчиқдаги учрашувда тилга олинган ҳар бир ҳолат менинг қатъий назоратимга ўтди.

**Энг ачинарлиси, шундай чала қолган иморатлар ёки сифатсиз ишлар туфайли қонун олдидан жавоб бераётган қурилиш корхоналари раҳбарлари, токи маҳкама жараёни якунига етгунча мактаблардаги қурилишлар аросатда қолиб кетишини, болаларга жабр бўлишини чуқур ҳис қилдим – гап шунда...**

қисқа вақтларда махсус ишчи гуруҳ вазиятни чуқур ўрганиб ахборотини беради, харажатлар миқдори, молиявий манбасини аниқлаб, керакли чораларни кўраемиз.

Айниқса, мен билан учра-

шиб, эришган натижаларини ғурур билан гапириб берган ёш спортчилар (улар орасида жаҳон ва Осиё, Ўзбекистон чемпионлари бор) учун зарур шароит яратиб бериш бўйича тез кунларда амалий ишлар бошланади.

Шунинг баробарида жорий йилдан бошлаб, тегишли мутасаддилар томонидан қурилиш объекти пудратчиларини аниқлашда талабчанлик кучайтирилади.

Қурилиш ишларининг бориши, аниқса, ижтимоий объектиларнинг қурилиш жараёни, йўналиш бўйича масъул идорадан ташқари, кенг жамоатчилик, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, ОАВ вакилларининг эътиборида бўлади. Бу борада уларга алоҳида мурожаат қилдик.

Барчангиз яхши тушуниб турганингиздек, биз шу пайтгача мавжуд бўлган айрим ишлатиларнинг яна қайтарилишини мулқлаб истамаймиз. Бинобарин, кучли жамоатчилик назорати ва шаффофлик янги Ўзбекистоннинг устувор жиҳатларидан биридир.

**Рустам ХОЛМАТОВ,**  
Тошкент вилояти ҳокими,  
сенатор

◀◀ Бошланғич 1-бетда

- таълим турлари ўртасидаги узлуксизлик, узвийлик ва интеграциянинг таъминланмаганлиги;
- мавжуд педагог кадрларнинг замон талабларига жавоб бера олмаслиги;
- ўқитувчилик касби борасида тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилмаганлиги;
- таълим ва тарбия сифатининг пастлиги;
- таълимга нисбатан тизимли ёндашувнинг йўқлиги...

Умуман, бу рўйхатни яна давоми этириш мумкин. Бу каби муаммолар кенг қамровли ва кўп қиррали ижтимоий масала бўлиб, унинг ечими ҳам бир-икки сабабнинг қондирилиши билан ўз ижросини топа олмайди. Бу масала ҳудудий ҳокимликлар ва уларнинг тасарруфидида тегишли бўлимларнинг айна масала бўйича тизимли иш олиб бориши натижасида ўзининг ижобий ечимини топиши мумкин.

**Ҳозирги кунда Тошкент вилояти таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айландики, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳам, рақобат ҳам, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги қарори билан ташкил этилган Чирчиқ давлат педагогика институти ана шу муаммонинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиши ўзининг асосий стратегик тадқиқот йўналиши сифатида белгилаб олган. Бу педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини яратиши ва уни амалиётга табиқ этишнинг механизмларини ишлаб чиқиши тақозо қилади. Дарҳақиқат, педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фарқ ва таълим бўғинлари ўртасидаги тақозолик бугунги кунда узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш заруратини тақозо этмоқда.

**Педагогик таълим кластери бўйича Тошкент вилояти таълим бўлими сифатида эътибор этилаётган кенг қўламли илмий-амалий лойиҳанинг пировард мақсади ҳудудда мактабга ва халқ таълими тизимининг салоҳиятини оширишга қаратилган.**

## Учдан кейин кеч

Таълим тизимида мактабга таълим босқичи энг муҳим бўғин ҳисобланади. Президентимизнинг 2017 йил 30 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси мактабга таълим вазилигини ташкил этиш тўғрисида"ги Қароридан кейин таълим тизимининг қуйи бўғинига эътибор кучайди.

Институтимиз қошида мактабга таълим муассасалари фаолиятини ичдан ўрганиш, у ердаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида "Боғча-лаборатория" инновацион таълим майдончалари фаолияти йўлга қўйилди. Бундай таълим майдончаларида профессор-ўқитувчилар талабалар билан биргалликда муайян муаммонинг ечимига қаратилган илмий лойи-

◀◀ Бошланғич 1-бетда

ҳалар устида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ҳозирги кунда 2 та "Боғча-лаборатория"да учта лойиҳа таълим саноидан ўтказилмоқда. Асосий мақсад – институтимиз ўқитувчилари ва мактабга таълим муассасалари тарбиячи-педагогларининг таълим тизимини янада яқинлаштириш орқали дунё стандартларига хос ижобий натижага эришиш.

Шу ўринда япониялик тадқиқотчи, бола руҳиятининг билимдони Масару Ибуканинг "Учдан кейин кеч" китобини эслаш жоиз. Ушбу китобга нисбатан шундай таъриф берилган: "Бу китоб – ёзилган китобларнинг энг муҳимларидан биридир. Уни ер кўрралидаги барча ота-оналар ўқиши керак!" Дарҳақиқат, китоб ота-оналар ва болалар боғчаларининг тарбиячи-педагоглари учун жуда муҳим қўлланма ҳисобланади. Муаллифининг фикрига кўра, катта ёшдагилар қийинчилик билан ўрганганидан нарсаларни, болалар ўйнаб илғаб олишади. Ушбу жа-

си... Мактаб иши бу умумийлик ҳаракатга айланиши керак", деган эдилар. Дарҳақиқат, мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Худди шу йиғилишда Юртбошимиз педагогик ОТМларнинг фаолиятига танқидий баҳо бериб, уларнинг мактаблардаги ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришдаги роли сезилмаётганини афсус билан қайд этган эдилар. Мурожаатномада ҳам фан, таълим ва маориф тизимида тааллуқли бир қатор стратегик йўналишларни белгилаб бериларки, ундан келиб чиқадиган вазифалар тизимда фаолият олиб бораётган мутахассислардан янгиланган Ўзбекистоннинг таълим сифатини мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ аниқлаш тақозо қилади.

Институтимиз томонидан инновацион лойиҳа сифатида ташкил қилинган "Мактаб-лаборатория" таълим майдончалари педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти ҳисобланади. Бугунги кунда Тошкент вилоятида худди шундай 22 та "Мактаб-лаборатория"лари фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур лойиҳа таълим турларининг

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВИЛОЯТ САЛОҲИЯТИГА МОС ЭМАС. НЕГА?



илмий, услубий ва таълимий фаолиятини ривожлантириш мақсадига қаратилган таълим-сано майдончасидир. "Мактаб-лаборатория" инновацион таълим майдончалари ўзининг муайян вазифаларига эга қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боради:

- таълим-инновацион йўналиш;
- илмий-услубий йўналиш;
- илмий-тадқиқот йўналиши;
- ахборот-таҳлилий йўналиш.

раёнинг асоси айнан таълимни ўз вақтида бера бошлашдир. Сўнгги тадқиқотларда инсон миясининг имкониятлари ниҳоятда кенглиги, таълим ва тарбия болага қанчалик эрта берилса, у шунчалик ўзининг ижобий самарасини кўрсатиши исботланмоқда.

## Ё ҳаёт, ё мамот

Президентимиз 2019 йилнинг 23 август санасида халқ таълими тизимини ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида: "Мактаб – бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масала-

Демак, педагогик таълим инновацион кластерининг истиқболи бор. Тошкент вилояти таълим сифатида уни оммалаштириш, шубҳасиз, педагогик таълимда ўзининг ижобий самарасини беради.

**Ғафуржон МУҲАМЕДОВ,**  
Чирчиқ давлат педагогика институти ректори,  
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

Ҳа, жон-жонидан ўтганки, улар ўзлари ҳаракат қилганлар. "Ўзинг учун ўл етим", деб бекор айтишмаганда.

Шаҳар – бедарвоза эмас. Маҳалла ҳам. Унинг ўз эгалари бор. Маҳалла-қўйда нималар бўлаяпти, маҳалла аҳлини нима қийнапти, оқсоқол баридан воқиф бўлиши керак. Аслида ҳам шундай. Саъдулла Жумабоевнинг таъжидлашича, "Тўйтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ичимлик суви қувури ўтказилгандан сўнг, кўчага шағал ётқизишни ваъда қилган. Аммо, қариб икки ойки, шағалдан дарак йўқ.

– Салкам 40 йил ободонлаштириш тизимида ишлаганман, – дейди "Тўйтепа" маҳалласи раиси Муҳаммадjon Пирназаров. – Маҳаллада, қимда қандай муаммо бор, биламан... "Гузар" 2-ўтиш кўчасига ичимлик суви ўтказилмаганди. Кўчада яшовчи аҳоли ўзлари пул йиғиб, қувур ўтказишди: ўзлари техника олиб келди, ўзлари ётқизишди... Қувур қўйишга келганда эса оғир техника бор асфальтни ҳам кўпориб ташлади. Кўчанинг бугунги ҳолатига оғир техниканинг ҳаракатланиши сабаб. Ваҳоланки, кетмон-белкуррак билан ёпиш мумкин эди қурури... Пискентдаги карьерни ҳозир сув бошган. Техника киролмайди. "Гузар" 2-ўтиш кўчасидаги ҳолатдан шаҳар ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Бунёд Саид-жўяев ҳам хабардор. Карьерга техника кирган кун энг биринчи "Гузар" 2-ўтиш кўчасига шағал олиб келинади. Ҳозиргина маълум бўлди: Пискентдаги карьердан шаҳар учун махсус худуд ажратилаётган экан. Вилоят

ҳокимининг тегишли ҳужжати тасдиқлаши билан иш ўнланади. Ҳа, "Етти ўлчаб, бир кес", деб доно халқ бежиз нақл қилмаганда. "Гузар" 2-ўтиш кўчасидаги аҳоли ҳам ҳокимлик вакилларига бир оғиз маслаҳат солганда, бугунги лой кечувлар бўлмасди. Аммо, уларни ҳам тўғри тушуниш

«Сувоқова» филиали ходимлари ва техникалари жалб этилган, 2-сектор ва маҳалла фуқаролар йиғини аралашган бўлсаю, тагин 30 чоғли хонадондан 250 минг сўмдан нақд пул йиғилган бўлса...

Оддий ўткинчи киши ҳам "Гузар" 2-ўтиш кўчасининг лойга қоришқ йўлларида юрар экан,

## «Ҳақиқат» киргойиси:

# «Нурафшонга борсам мен ағар, «Тўйтепа»ни кўриб қайтаман...»

керак. Ўзингиз уч кун қўшининг уйдан челақлаб сув ташиб кўринг, биласиз!»

Кўчанинг ёгин-сочинли кунлардаги аҳволдан, "Гузар" 2-ўтиш кўчасига ичимлик суви қувури ўтказилишидан шаҳарнинг 2-сектори масъуллари ҳам беҳабар эмаслар. Одамлар ҳашар билан ичимлик суви қувури ўтказишга маҳали 2-сектор мутасаддиларининг аралашуви билан Нурафшон шаҳар "Сувоқова" филиали ва Ободонлаштириш бўлими ходимларининг қувур ўтказишга захматлари сингган. Ҳатто, оғир техникалар ҳам жалб қилиниб, уларга ёқилги ётқизиш ҳам 2-сектор томонидан вақтида таъминланган.

Шу ўринда бир мулоҳазаки, ичимлик суви қувури ўтказилишига Ободонлаштириш бўлими,

йўлчиларни ҳар қадамда "алқайди"; маҳалласининг дардини "тепа"га етказмаган оқсоқолнинг ҳақиқа "дуо ўқийди"; "Танаси бошқа дард билмасда... Шу кўча-ни ҳокимнинг кўзи кўрмасмикан... Шу кўчадан "катта"лар бир қадам ҳам юрмасмикан?", деган ўй ҳаёндан лип этиб ўтади.

Лекин, ўша ўткинчи киши билмайдики, қайсидир маънода кўчани шу қўйга солиш учун 250 минг сўмдан нақд йиғилган; илло, Ободонлаштириш бўлими

ичимлик суви ўтказишда давлат-хусусий шерикчилигига асосланган "инновацион усул"га ҳали тақдор қайтаемиз.

Зотан, мамлакат Президенти жамоатчилик назоратининг ўрнатилишини, бунинг натижасида муаммо ва камчиликларга, ечимини кутаётган масалаларга барҳам берилишини ёқлаб чиқаяпти.

## Отабек ИСРОИЛОВ,


«Тошкент ҳақиқати»нинг  
жамоатчи муҳбири



Бир неча кун олдин хизмат сафари билан Куйи Чирчиққа бордик. Мазкур тумanning "Мевазор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтиб кетаётганимизда йўл четидидаги баннер эътиборимизни тортиди.

Унда катта-катта лотин ҳарфлари билан аллақачон якунига етган "2019 YIL – FAOL RIVOJLANISH YILI" деб ёзиб қўйилган. Ахир, жорий йилга ном берилганига ҳам салкам бир ой бўлаяптику?! Янги баннер тайёрлаб ўрнатиш, жуда бўлмаса шу эскисидаги ёзувларни ўзгартириб қўйиш шунчалик қийинми?..

◀◀ Бошланғич 1-бетда



Бу кўчадан бир кунда қанча йўловчи ўтади, улар орасида чет элликлар ҳам бўлиши мумкин. Бу эътиборсизлик тумanning обрўсига путур етказиб, меҳмонлар юзида кинояли кулгу уйғотмасмикан?!

Афтидан, туман масъулларининг ишлари кўплигидан йил номини ўзгартиришга вақтлари йўққа ўхшайди. Аммо, улар шу кўчадан ўтаётганларида ақалли машина ойнасидан атрофни томоша қилишар. Тагин билмадик...

Шунингдек, кўча четидидаги "OQ YO'L" деган иборадаги "L" ҳарфи қаергадир гойиб бўлиб, "OQ YO'" деган нотаниш жумла қолибди. Мутасаддилар йўқолган ҳарфни ҳам қидириб топиб қўйишса, чакки бўлмасди.

**Зухриддин РАҲМОНОВ,**  
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири



Мансур ҲИММАТОВ  
олган суратлар

◀◀ Бошланғич 1-бетда

2004 йили мевали кўчатлар савдо-сотиғидан иш бошлади. Очиги, бозордаги талаб ва таклифи, хориждаги тажрибаларни узоқ ўрганди. 2018 йилда "Mardonbek Fayz agro" масъулияти чекланган жамиятини таъсис этдик ва ишлар, халқаро ҳамкорлик ўзидан ривожланаверди.

Ҳозирда Европанинг қатор мамлакатлари, хоссатан, Италия, Германия, Франция ва Россия билан ҳамкорлигимиз бор. Европадан келтирилаётган кўчатлар, албатта, бошқа парвариш талаб қилади. Лекин, биз кўчатларни Ўзбекистон иқлимга мослаштириш устида ҳам ишлаяпмиз. Биласизми, руҳиятингиз қанча бўлишдан қатъи назар гўзал нарсани кўрсангиз, кайфият максимал 100 даражага кўтарилади. Шахсан мен учун бу иш самардорлигида катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олиб қараганда, одамларга яхши кайфият улашганга қараганда ўзимни шунақанги бахтиёр ҳис қиламанки...

Ҳозир иссиқонамида баҳорбоп гуллар парваришла-

наяпти. 2-3 ҳафтага қолмасдан бирин-кетин ҳамма гул кийгос очилади. Гўзалликни ана ўшанда кўрасиз...

Қолаверса, ўзимизнинг мўъжаз "кўриқона"мизда юздан зиёд турдаги хилма-хил манзарали кўчатлар мавжуд. Ўзим билан ҳисоблаганда, 8 киши уларни парваришлай-мин. Бу ерда тол, мажнунтол, чинор, япон сакуриси, крим қарағайлари, каштан, эман

Кечагина Италиядан атиргулнинг ўн бир тури келди. Баҳор келиши билан очилади. Шулар орасида қора атиргул ҳам бор. Қора атиргул-а!..

Бир янгилик ҳақида ўйлаганимиз: Марказий Осиёда ягона "ақли шаҳар" бўлиши режалаштирилаётган Нурафшон шаҳри номини табиатнинг "жонли дастхати" - антика "изгород"лар орқали



тумани, вилояти, жонажон Ватани обод, кўркам бўлишини, бунданда чирой очишини истади. У шунинг ҳаракатида.

Ўрта Чирчиқ туманининг "Ангор" худудидаги беҳирим, кўркам, нодир ниҳоллар аро одимлар экансиз, кўнгилдан ўтаётган ҳислар туғени, юракнинг дук-дуки сизни яратиш, яшнатиш сари чорлайверади.

**Отабек ИСРОИЛОВ,**  
"Тошкент ҳақиқати"нинг  
жамоатчи муҳбири  
Шаҳобиддин НУРИДДИНОВ  
олган суратлар

# Нодирбойнинг Ниҳоллари ҳам Нодир

каби йирик дарахт кўчатлари, арчанинг ўндан ортиқ ва "изгород"нинг олтига тури бор. Қримдан келтирилган арчанинг бир тури борки, мажнунтолга ўхшайди. Номини ҳам "йиғлаётган кедр".

ёзиш ниятидамиз. Ҳозирда кўчатлар парваришланаяпти. Вақти-соати келиб, "ақли шаҳар"нинг номини она табиат хусниҳатида кўришингиз мумкин бўлади.

Халқимизнинг қон-қонига

сингган бир қадрият бор. Ўзбек дегани кўклам эшик қоқди, дегунча дарахтларга шакл беради, янги ниҳол ўтқазади. Шоир ёзганидек, ҳар баҳорда шу бўлар тақор. Нодир Йўлчиевнинг томирида ўзбекистоннинг яшнатишига омухта қони оқаётгани шахсиз. Нодир Йўлчиев кишлоғи,

Яқинда мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашда маҳалла институтини мутлақо янги даражага олиб чиқиш масаласига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар, хусусан, оилалар билан ишлаш тизимида янги йўналишда ва самара берадиган механизмлар яратилгани, Маҳалла ва оила масалалари вазирлиги ташкил этилиши, бу тизим ўзининг долзарблиги, мукамаллиги билан бизга маъқул бўлди.



## ОИЛАДАГИ МУҲИТ ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИДИР

Маълумки, бугунги кунга қадар Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва ўттиздан ортиқ ташкилот ҳамда идоралар томонидан узоқ йиллардан буён бевосита оилалар билан ўз соҳалари бўйича фаолият олиб борилаётган эди. Янги тизим юқоридаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан қимматлидир. Сабаби, мамлакатимиз Президентини ушбу меъёрий ҳужжатда ҳар бир ҳудуд ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхши билган ҳолда оилалар билан ишлаётган мутахассисларнинг билими, малакаси, уларнинг асосий ишлари билан банд бўлишлари, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини идораси ва уларни техник жиҳозлар билан таъминлаш, ҳатто ойлик маошларини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Шу билан бир қаторда Тошкент вилояти "Оила" марказининг махсус ўқув курси томонидан янги дастур асосида маҳаллада "Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларнинг 1 минг 30 нафарининг малакаси оширилгани ҳудудларда муаммоли оилалар билан янги-чанди ёндашув асосида ишлашга имконият яратди.

Бундан ташқари, маҳалларда маданий тадбирларни ташкил этиш, маънавиятга йўналтирилган рағбатбаран кўрсатувлар сонини кўпайтириш бўйича гоят ўринли тақлифлар илгари сурилди.

Уйлаимизки, юртимизда "Обод маҳалла - хавфсиз маҳалла" тамойилига асосланган мутлақо янги тизим қўйилган самарани, албатта, беради. Унга кўра, маҳаллаларимиз обод, оилаларимиз тинч ва фаровон яшати таъминланади. Хотин-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ёшларнинг маъна ва жисмонан соғлом бўлишига жиддий эътибор қаратилади.

Айниқса, кексаларнинг ижтимоий фаолиги оширилиб, уларга иззат-иқром кўрсатилади. Тадбиркорлик ва томорқа ҳодимлари маданиятини янада оширишга қаратилган кенг қўламли ишлар ҳам мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Асосийси, инсонларнинг бир-бирига ўзаро ҳурмати, меҳр-оқибати ва миллий кадриятлари янада мустаҳкамланади.

**Дилором МАҲАМАДАЛИЕВА,**  
"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси бошлиғи

### Ана шунақа гаплар...

Илтимос, Янги йилда бундан мени олдимга келишига ижозат беринг?  
**(Рая, 4-синф)**

Дунёда бўлаётган ишлар сизга ёқаяптими?  
**(Андрей, 2-синф)**

Одамлар сени севмасо лекин кўрсасо?..  
**(Руслан, 2-синф)**

Ер юзиде одамлар жуда азоб чекаяпти, наҳотки дўзах бунданда ёмон бўлса?  
**(Радик, 4-синф)**

Мен ҳам сени кўп кечираман...  
**(Натан, 4-синф)**

Ажралиш бу оилавий дафн маросими.  
**(Оля, 4-синф)**

Қари одамлар - бу чарчаган болалар.  
**(Андрей, 4-синф)**

## Тиканли атиргуллар



Айтинчи, сиз яна иккинчи бор одам яратасизми?  
**(Олег, 3-синф)**

Онам қўлимдан ушлаб оламни тарк этаётганда, менга қандай нигоҳ билан қараб турган дадамнинг кўзларини ҳеч қачон унутолмайман. Худойим, айт, яна қанча кўзёш тўқаман?  
**(Андрей, 4-синф)**

Нега ер юзиде ҳамма нарсага рухсат бераяпсиз?  
**(Адик, 4-синф)**

Мени ҳайратда қолдир, Худойим!  
**(Артур, 3-синф)**

Ерда отишмалар бўлаётганда эшитмайсанми?  
**(Валера, 2-синф)**

Мўминлар орасида қанча мўмин бор?  
**(Зоя, 4-синф)**

Мен тугилдим, қарандим. Дунё аллақачон ёвуз, шафқатсиз.  
**(Андрей, 4-синф)**

Нега ер юзига офатлар юбораяпсиз?  
**(Иван, 2-синф)**

Бахтсизликда қандай қичқирсам сенга-ча етиб боради?  
**(Наташа, 2-синф)**

Нега атиргулларни тиканли яратдинг, ҳамма гўзал нарсалар тиканлими?  
**(Зина, 3-синф)**

Ана шунақа гаплар. Энди, агар ижозат бўлса, менинг ҳам сиз, азиз ўқувчи берадиган учта оддийгина саволим бор.

**1. Сизнинг бошқа миллатдаги ёки диндаги болаларнинг ҳаётига муносабатингиз қандай?**  
**2. Қайси боланинг ёзгани сизга**

**кўпроқ таъсир қилди?**  
**3. Ўқиб қандай хулосага келдингиз?**  
**Мирзохид АБДУЛЛАЕВ,**  
талаба



Чирчиқ шаҳридаги "Семурғ" ва "Чинор" маҳаллалари фаоллари ҳудуддаги 11-умий ўрта таълим мактабида бўлиб, бешта муҳим ташаббус бўйича қилинаётган ишлар билан яқиндан танишишди ва ўқувчиларга китоблар жамланмасини совға қилишди.

### МАҲАЛЛАДАН МАКТАБГА СОВҒА

"Бир болага етти қўшни ота-она", деган ҳикматли ибора мазкур маҳаллалар фаолиятида ўз тасдиғини топмоқда. Сабаби, икки маҳалланинг раисидан тортиб фаолларигача мазкур мактабдан тез-тез хабар олиб туришди. Мунтазам дарс қолдираётган, фанларни яхши ўзлаштира олмаётган ўқувчилар билан ота-ониси ва устозлари иштирокида доимий суҳбатлар олиб боришди.

Тадбир сўнгида мактаб раҳбари Р. Файзуллаева бундай учрашувлар "оила - мактаб - маҳалла" ўрта-сидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашни таъкидлади.

**Нафиса ИСМАТИЛЛАЕВА,**  
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

### Партиялар ҳаётидан

## ЧОРАК АСР ЁНМА-ЁН

Нурафшон шаҳридаги "Ўзбегим" тўйхонасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташкил топганининг 25 йиллиги муносабати билан "Биз - 25 ёшдамиз!" мавзусида байрам тадбири ўтказилди. Унда партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгаши раислари, депутатлар, фаоллар ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда партия фаолиятида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, ютуқ ва камчиликлар ҳусусида фикр алмашилди. Шунингдек, партия аҳоли орасида адолатни тарғиб қилувчи сиёсий куч сифатида танилаётгани алоҳида таъкидланди.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам партия тарафдорлари сони сезиларли даражада орди. Хусусан, бугунги кунда партиянинг жами 400 мингдан зиёд аъзоси бўлса, шундан 10 фоизи, яъни 42 мингга яқини вилоят аҳолиси ҳисобланади.

Байрам тадбири давомида партиянинг фахрий аъзолари ва энг фаол адолатчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Эл ардоғидаги санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият улашди.

**Ўз муҳбиримиз**  
Арбор ЭСОНОВ олган сурат

### Эълонлар

Приглашаем к участию в открытых аукционных торгах, проводимых в порядке поэтапного повышения цен

В 11.00 20.03.2020 года, ТАО "TOSHKENT AGROKIMYOHIYOYA" выставляет нижеследующее имущество. Здание гаража и сооружение, расположенные по адресу: Ташкентская область, Юкороичирчикский район, КФЙ Суранкент, махала А. Ясавий, общая площадь застройки 1564,13 кв. м, земельная площадь 0,74 га. Стартовая цена - 120 898 443 сум. Складское помещение, расположенное по адресу: Ташкентская область, Уртачирчикский район, КФЙ А.Навоий, общая площадь 1324,92 кв. м, земельная площадь 0,3925 га. Стартовая цена - 106 573 494 сум. "Склад минеральных удобрений, расположенный по адресу: Ташкентская область, Уртачирчикский район, КФЙ "Кумовул", общая площадь 1376,13 кв. м, земельная площадь 0,3925 га. Стартовая цена 110 071 052 сум. Здание и сооружения, расположенные по адресу: Ташкентская область, Янгиюльский район, КФЙ Эски Ковунчи, махала "Жамбул", общая площадь 5474,2 кв. м, земельная площадь 0,18 га. Стартовая цена - 609 848 000 сум. Здание и сооружения складского помещения, расположенное по адресу: Ташкентская область, Пскентский район, МФЙ Лолаарик, ФХУ Пскент, общая площадь 407,48 кв. м, земельная площадь 0,1404 га. Стартовая цена - 41 492 000 сум. Здание и сооружения (Дори шаҳобчаси), рас-

положенное по адресу: город Ташкент область, Янгиюльский район, КФЙ "Тинчлик", махала Хонкуртон, общая площадь 260,03 кв. м, земельная площадь 0,108 га. Стартовая цена - 61 263 000 сум. Здание и сооружения (Дори шаҳобчаси), расположенное по адресу: Ташкентская область, Янгиюльский район, КФЙ "Шуралисой", махала Хакикат, общая площадь 219,39 кв. м, земельная площадь 0,32 га. Стартовая цена - 50 067 000 сум. Складские помещения минеральных удобрений, расположенные по адресу: Ташкентская область, Букунский район, а/Ф. Азаматова, общая площадь 1279,68 кв. м, земельная площадь 0,327 га. Стартовая цена - 108 609 969 сум. Складские помещения, расположенные по адресу Ташкентская область, Бекабадский район, КФЙ "Гулистон", МФЙ "А. Казокбоев", общая площадь 1426,26 кв. м, земельная площадь 0,327 га. Стартовая цена - 135 536 835 сум.

Победитель аукциона должен оплатить 5% от стоимости продажи имущества на счет организатора торгов Заявки от претендентов на участие в аукционных торгах будут приниматься в рабочие дни с 10.00 до 16.00 по адресу: город Ташкент, Х. Алмиджана, дом 13-А. Прием заявок по-

ле заключения договора о задатке и оплаты задатка приостанавливается за день до начала аукциона в 11.00. Победитель аукциона должен заключить договор с продавцом в течение 10 банковских дней. Повторные аукционные торги будут проводиться каждую пятницу в указанное время. Принимается оплата за дополнительные услуги в размере 1 000 000 сумов за каждый объект. Претенденты, желающие участвовать в аукционных торгах, должны внести задаток в размере 15% от стартовой стоимости здания на банковский счет организатора торгов с указанием в платежных документах наименования имущества. Реквизиты ООО "PRIME REALTY": р/с 20208000700765990001 в АКБ "INFIBank", МФО 01041, ИНН 304844964. Телефон 99 858-01-12, e-mail: info@primerealty.uz. Номер лицензии RR 0285

Баязитова Магнасма Сахбетдиновна (мархума) номига берилган Тошкент шаҳри, Яшнобод (Хамза) тумани 1-берк («40 лет октябрю») кўчаси, 6-уй, 2-хонадонга тегишли бўлган қандастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## Хунармандчилик

Мамлакатимизда миллий хунармандчилик, халқ бадий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса ҳудудларда ўзига хос хунармандчилик мактабларининг ривожланишига хизмат қилмоқда.

ЖАСОРАТЛИ  
ШАРОФАТ

Паркент туманида қадимдан ёғоч ўймакорлиги, пишчокчилик, мисгарлик, дўппидўзлик каби хунарларнинг ўзига хос мактаблари яратилган. Уларнинг орасида авлоддан авлодга ўтиб келаётган бешикчилик алоҳида ўрин тутди.

– Бекобод тумани “Хунарманд” уюшмасининг 120 нафар аъзоси бўлиб, улар миллий хунармандчиликнинг 14 йўналиши бўйича баракали ижод қилиб келишмоқда, – дейди туман “Хунарманд” уюшмаси раиси Орзугул Азимова. – Уларнинг эркин ижод қилишлари учун қулай шароитлар яратиб берилган.

Жумладан, тумanning “Уриқзор” маҳалласида яшовчи, болалиқдан 1-гурӯх ногирони, “Жасорат” медали соҳиби Шарофат Пардаева имконияти чекланган бўлсада, бор маҳоратини ишга солиб, зардўзлик йўналишида анча ютуқларга эришди. У ўзи яратган миллий либослари билан хунармандчилик танловларида фаол иштирок этади. Эътиборлиси, Шарофат Пардаева модаларимиздан мерос бўлиб келаётган бу қадимий хунар сирларини қишлоқ қизларига ҳам қўли билан ўргатмоқда. Хозирги кунда унинг шогирдлари 10 нафардан ошди.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

– Бу хунар бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб, бешикчилар сулоласининг бешинчи авлоди саналаман, – дейди Ойбек номли маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи тадбиркор Хукмиддин Саъдуллаев. – Албатта, бешикчиликнинг ҳам ўзига хос маҳорати ва сир-синаотлари бор. Аввало, бу ишни пок ният ва эзгу мақсад билан қилиш керак. Зеро, биз ясаган бешикларда гулдек фарзанду набираларимиз ўсиб-улғайишади. Шунинг учун табиий хом ашё ва ёрқин ранглардан фойдаланиш керак. Мухими, бешикнинг енгил ва қулай тебранишига, шунингдек, узоқ йиллар хизмат қилиши учун мустаҳкам, пишк бўлишига аҳамият қаратиш лозим.

Бу йил 63 ёшни қаршилаган уста Хукмиддин ака таъкидлаганидек, бешик – боланинг ором оладиган ётоғи бўлиб, унда кичкинтойнинг қўл-оёқлари текис ўсади. Олим ва шифокорлар томонидан бешикнинг гигиеник жиҳатдан ҳам жуда фойдали ва қулай эканлиги эътироф этилган. Шунингдек, бешик – бу қадрият. Ўзбек

ЭНГ НОЁБ  
ТОПИЛМА

оилаларида болалар бобо ва оталари ётган бешикларда улғайдилар. Оналар ўз фарзандларини катта авлодларга бахт ва иқбол келтирган ана шундай қадимий бешикларда ўстиришни афзал кўрадилар, уларни ҳеч қачон ташлаб юбормайдилар. Албатта, бунинг учун бешик ҳар томонлама пишк, чидамли ва қулай бўлиши керак.

Таҷрибали хунарманд Хукмиддин ака сифатни биринчи ўринга қўяди. Бунинг учун хом ашёни тўғри танлаш керак. Уста тут, ўрик, терак ва тол каби дарахтлардан фойдаланади. Дарахтлар танлаб кесиб олинган, маромида қуритилади ва шундан кейин улар қайта ишланади. Бешикнинг қисмларини тайёрлаш, силлиқлаш ва бўяшда унга ўғли, “Хунарманд” уюшмаси аъзоси Даврон Саъдуллаев ёрдам бермоқда.

Уста Хукмиддин ака ўзининг қирқ йиллик фаолияти давомида йигирмадан ортиқ шогирдларига бешикчилик касбини ўргатиб, ҳаётга тайёрлади.

Уларнинг аксарияти аллақачон мустақил равишда иш юритмоқда, ҳатто ўз мактабларини ҳам очиган. Шогирдлари Фарҳод Низомов ва Бахтиёр Аҳмадидинов бешикчилик билан бирга болалар учун кенг турдаги мебель жиҳозлари, хусусан, қара-вот, шкаф, диван ва креслолар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишган.

Маълумки, бешик – вазифаси ва ўзига хос хусусияти билан дунёдаги энг ноёб топилмалардан бири сифатида эътироф этилган. Бугунги кунда харидорлар талаби билан бешиклар ҳам қадимий аъёналар ва замонавий тенденциялар уйғунлигида ясалмоқда. Лекин, хунармандлар ҳар бир бешикнинг ташқи кўринишидан унинг устасини аниқлай олишади. Паркентлик уста Хукмиддин аканинг бешикчиси ҳам уни элга танитди.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,  
“Тошкент ҳақиқати” мухбири  
Аброр ЭСОНОВ  
олган сурат

## Бизга ёзадилар

Поштадан вилоятга келиб тушганимга бир йил бўлди. Дастлаб, янги хонадон ҳаётига кўника олармиканман, деб бир оз чўчигандим. Шукрки, қайнона-қайнотам зиёли, тушунган инсонлар экан. Оила авзолари газета-журналлар ўқишни қанда қилишмас экан.

ҚЎЙ, АРҚОН ВА  
ПОЧТАЧИ...

Ўтган йили уйимизга бир неча газета-журналлар келарди. Қайнонам мактаб кутубхонасида ишлаганликларим боис, мактаб обуна манзили бизнинг хонадонга расмийлаштирилган экан. Табиийки, биринчилардан бўлиб газеталарни ўқирдик. Айниқса, вилоят ҳаёти билан ўқувчиларни яқиндан таништириб борадиган “Тошкент ҳақиқати” газетасининг ҳар сонини қолдирмай ўқиб чиқардим. Ҳамшира бўлганим учун, айниқса, янги очилаётган тиббиёт муассасалари, саломатлик посбонлари ва соҳага оид англиклар ҳақидаги мақолаларга қизиқардим.

Янги йилдан обуна корхона ва ташкилотлар манзилига расмийлаштирилгани сабабли уйимизга газеталар келмай қўйди. Очиғи, бир нарсамни йўқотгандай бўлиб қолдим. Аммо, январь ойининг ўрталаридан почтачи уйимизга вилоят газетасини келтириб берадиган бўлди. Квитанцияда ёзилишича, газета обунаси Пискент туманидаги “Амет-

инвест” МЧЖ томонидан турмуш ўртоғим Азизжон Рихсибоев номига бепул расмийлаштирилган экан. Турмуш ўртоғим мазкур корхонада оператор бўлиб ишлайдилар. Яхши ишлаётган ишчи-ходимларга кўрсатилган бундай эътибордан оиламиздагилар хурсанд бўлишди.

Дарвоқе, вилоят ҳокимлиги ташаббусига кўра, ҳар бир туман ва шаҳарда “Ижтимоий обуначилар” шакллантирилгани ҳам яхши иш бўлибди. Аммо, газетанинг ҳар бир сони газетхонлар қўлига ўз вақтида етиб келса, янада яхши бўлардида. Буни: “Кўй берсанг, арқонини ҳам сўрайди” қабилида тушунишмасин, яна. Би-лишимча, “арқон” “Матбуот тарқатувчи”лар қўлида. Улар бундай масъулиятни бўйниларига олишган экан, отга қамчи боссалар, кўпчиликнинг меҳнати билан пўнча бўлган газета ўз эгалари қўлига вақтида етиб боради.

Мадина РИХСИБОВА  
Тошкент тумани,  
Ҳасанбой қишлоғи

МАНЗИЛ ЁРУҒ –  
КЎНГИЛ ЁРУҒ

Чирчиқ шаҳридаги “Ҳаёт гули” маҳалласида 2 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалламизда яхши ишлар, ютуқлар талайгина, аммо камчиликлар ҳам етарли.

Жумладан, айрим кўчаларга тунги ёритиш чироклари ўрнатилмаганлиги аҳолининг жиддий норозилигига сабаб бўлаётган эди.

Бу муаммолардан хабар топган шаҳар ҳокими тез фурсатда аҳолининг ушбу талабига ижобий ечим топди. Шаҳар “Ободонлаштириш” бошқармаси ходимлари томонидан қайд этилган манзилларда, яъни “Ташаббускорлар” ҳамда “Қудрат” (Розита) кўчаларига тунги ёритиш чироклари ўрнатилди. Бу эзгу иш бошқа кўчаларда ҳам давом этаётгани қувонarli. Аҳолини қийнаб келаётган яна бир муаммога ижобий ечим топилганидан мазкур кўчаларда истиқомат қилувчи оилалар мамнун.

Менинг ҳам оддий газетхон сифатида одамларнинг хурсандчилигини, раҳбарлар ишлаётганини, ислохотлар амалга ошаётганини сизга етказгим келди.

Чирчиқ шаҳри

Нилуфар ДАВИДОВА

## Туйғу



Зарифа ЭРАЛИЕВА

## ЮРТИМ

Ҳар миллатнинг тилагида  
Хурлик яшар,  
Ҳар куртада Тинчлик деган  
тиловат бор.  
Тинч заминга Кўёш нурдан  
гилам тўшар,  
Осойишта элда ором,  
ҳаловат бор!  
Биз бахт излаб дунёларни  
кезмагаймиз,  
Бахт эшиги очик турган  
юртимиз бор.  
Кувонч таъмин ахир  
қандай сезмагаймиз –  
Ҳар юракда шукр деган  
қўшиқ, алёр!  
Озод қушнинг парвозлари  
баланд бўлғай,  
Дунё узра хилпирайди  
байроғимиз.  
Ўз юртига фидоларга  
толе қулғай,  
Шу бахт ила биз ҳаммадан  
бойроқдиримиз!  
Кимдан каммиз – қадри улғу,  
қадди тикмиз,  
Келажакка мағрур қадам  
ташлагаймиз.  
Ори борлар нобакорга  
чўкарми тиз –  
Хур Ватанни жондек  
асраб яшагаймиз!

## ОНА ТАБИАТ ИЛҲОМАРИ

Кўргазма

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида академиянинг бадий ижодкорлар уюшмаси аъзолари Александр Батыков ва Валерий Кузнецовларнинг шахсий кўргазмалари очилди.



Улар тақдим этган ранг-тасвир ва графика йўналишидаги ижод намуналарида мамлакатимизда йил фаслларининг табиат манзаралари билан уйғунлашган гўзаллиги, заминимиз неъматлари, тарих, маънавият, урф-одат ва меъмо-

рий ёдгорликлар, турли ёш ва феъл-атвордаги инсон портретлари акс этган. Шунингдек, экспозицияда вилоятимизнинг гўзал ва бетакрор манзаралари тасвирланган суратларга кенг ўрин берилган. Жумладан, А. Батыковнинг

“Чотқол тоғларидаги олма дарахти”, “Олтин Бурчмулла”, “Оқтош”, “Хумсон. Балиқчи”, “Паркентда февраль”, “Паркент дачалари”, “Ғазалкент”, “Кибрай”, В. Кузнецовнинг “Чорбоғ”, “Чорбоғ сув омбори”, “Тоғлар. Чорбоғ”, “Паркент

манзараси”, “Тошкент атрофидаги Бўзсув дарёси” каби ижод намуналари томошабинларни бефарқ қолдирмади. Кўргазма намойиши жорий йилнинг 29 февралига давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ЯХШИЛИК  
АНЖИРИ

Абдурахимнинг кўзи йўл четдаги машинага тушди. Унда ўрта ёшли бир аёл ўтирар, атрофга чорасиз аялангларди. Йигит машина ёнига келиб, эски уловини тўхтатди. Аёл кўриб кетди, чунки шунча вақтдан буён ҳеч ким унга эътибор бермаган, ёрдам қўлини чўзмаган эди. Бу одам бирор ёмонликни кўзламаганмикан?

– Менинг исмим Абдурахим, – деб ўзини таништирди йигит. – Сизга ёрдам бераман. Унгача менинг машинамга ўтиб, озорқ исиниб олинг. Йигит машинанинг у ёқ-бу ёғини текширди. Ваҳимали нарса эмас экан. Филдирак тешилибди, холос. Бироқ, аёл бунга ўғрилмай анча азоб чеккан кўринади. Абдурахим чўккалаб, машина остига қаради. Қулай жой топиб, кўтармани қўйди. Сўнг қўлларини кўх-кўхлаб иситганча, ишга киришди. Филдиракни алмаштириб бўлгач, юзига табассум инди. Муаммо ҳал бўлганини кўрган аёл: – Сизга неча пул беришим керак? – деб сўради, сўнг шоша-пиша қўшиб қўйди. – Тортинмай айтаверинг.

Абдурахим шундай жавоб берди: – Хишлоқ бўлманг. Мен бир ёрдамга муҳтож одамга кўмаклаш-

дим, холос. Агар миннатдорчилик билдиришни жуда-ям хохлаётган бўлсангиз, кўмакка муҳтож бирор одамга дуч келсангиз, унга ёрдам беринг. Аёл қайта-қайта раҳмат айтди ва машинасига ўтирди. Бир неча чақирим юргач, бир ошхонага кўзи тушди. Бир оз исиниб, тамадди қилиб олиш ниятида у ерга кирди. Унга хизмат қилган жувон жуда истарали экан. Кун бўйи оёқда тик турган бўлсада, табассум билан муомала қилди. Иши ҳам, хомилдорлиги ҳам, кундалик ташвишлар ҳам ундаги самимийликни йўқота олмангани сезилиб турарди. Аёл овқатланиб бўлгач, ҳақини ортиғи билан тўлади. Қайтим олиб келингунича эса ошхонани тарк этди. Унинг ке-

тиб қолганини кўрган жувон хайрон қолди. Шу пайт кўзи стол устидаги қоғозга тушди. Унда ёзилганларни ўқиган жувоннинг кўзлари ёшланди: “Хайрон ҳам, хишлоқ ҳам бўлманг. Бугун менга бир инсон ёрдам қилди. Аёл сифатида қандайдир етишмовчиликдан оғирроқ ҳолингизда ишлашга мажбурлигингизни сезиб, сизга беғараз ёрдам қилгим келди. Сиз ҳам шу оқибат риштасини узиб қўймай, вақти келиб бирор муҳтож кишига кўмак беришингизга ишонаман...”

Жувон хатни ўқиб бўлгач, сочик остидаги бир даста пулни кўрди. Юраги тўлқинланиб, кўзига ёш келди. Бу нотаниш аёл у ва эри пулсиз қийнаётганини қандай сезди экан? Жувон уйига келгач, эрига жилайиб қараб деди: – Ҳаммаси жойида бўлади, сиз яхши инсонсиз, Абдурахим ака!

Манба: ижтимоий тармоқ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:  
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Ғайрат  
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:  
111500, Нурафшон шаҳри,  
Тошкент йўли кўчаси, 90.  
Тошкент шаҳридаги  
офисимиз:  
100000, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Қабулхона:  
Бош муҳаррир ўринбосари:  
Масъул котиб:  
Бўлим муҳаррирлари:  
Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:  
Электрон почта: toshkenthaiqiqati@umail.uz / th-tp@inbox.ru

Телефонлар:  
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)  
(71) 233-70-10  
(71) 233-90-82  
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08  
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар бошқармасида  
2011 йил 12 январда 03-001 рақами  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
таҳририяти компьютер марказида  
теризли ва Тоҳир Маҳмуّدўжаев  
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА  
Назоратчи мусаҳҳиҳ  
Аллома АЗИЗОВА  
Навбатчи  
Зухриддин РАҲМОНОВ